

Аҳмаджон
ЧОРИЕВ

Ҳазрати Султон
Мир Ҳайдар
ота маноқиби



Аҳмаджон
ЧОРИЕВ



Ҳазрати Султон
МирҲайдар
ота маноқиби



Тошкент
2016

УҮК: 94(575/152)
КБК: 86.384 (5Үзб)
Ч-78

Чориев, Аҳмаджон

Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота маноқиби./А.Чориев.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 244 б.

Қўлингиздаги ушбу ўқув кўлланма ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихидан сўзлайди. Мозийнинг гувоҳлик беришича, Касби ўтмишда улкан шаҳар (Шахри Миср) бўлган. Буюк ипак йўли айнан шу юртдан ўтган. Буюк ипак йўлини Султон Мир Ҳайдар зиёратгоҳи ёнидан ўтганлиги боис бу ерда ўнлаб карvonсаройлар ва сардобалар бўлган. Шу сабабли ҳам бу ерда маънавият, иқтисодиёт юксала борган. Касби азиз-авлиёлар, ҳунармандлар юрти бўлган.

Китобда ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота мажмуасининг халқимизга ҳанузгача таниш бўлмаган жиҳатлари очиб бериладики, китобни ўқиган жамики ўқувчи кўнглида ўзгача бир туйғуни ҳис этади, қалби нурга тўлади, қайта-қайта ўқишига ўзида эҳтиёж сезади.

УҮК: 94(575/152)
КБК: 86.384 (5Үзб)

Тақризчилар:

Абдухалил Маврулов, тарих фанлари доктори, профессор
Январ Иноятов, Қашқадарё вилоят «Нуроний»
жамғармаси раиси
Эсон Ражабов, Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари
ташкилотлари бирлашмаси раиси
Бобоқул Тошев, юридик фанлар доктори, профессор
Рустам Ражабов, тарих фанлари доктори

Ушбу ўқув қўлланма Қарши Даёлат университети ўқув-услубий методик Кенгашининг 2013 йил 15 апрель 5-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-27-103-6

© А.Чориев, «Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота маноқиби»,
«Янги аср авлоди». 2016 йил

Агар мендан сўрасалар, мен кўп жойларда бўламан. Ўзбекистон жуда катта давлат. Қаерда бўлсам, қаерда кўрсам ҳам қашқадарёликни танийман. Қиёфаси бўладими, чехраси бўладими, юзи, кўзи, қадди-қомати бўладими, керак бўлса, қараши бўладими, барибир танийман.

Қашқадарёликнинг ўзига хос, ўзига мос ҳиссиётси, қараши бор, уни ҳеч қанақа сўз билан тушиунтириб бера олмайсан. Лекин қашқадарёлик шунинг учун қашқадарёликки, фақат ўзига хос, ўзига мос хусусиятларга эга. Қашқадарёнинг одамлари ва уларнинг меҳрибонлиги, бағрикенглиги ва керак бўлса, муштдай турриб ўзини ҳимоя қила олишини мен юракдан, қалбимдан яхши биламан. Шу нуқтаи назардан, мен доим сизларнинг олдиларингизда қарздор бўлиб, мана шу Қашқадарёда яшाइтган одамларга қандай жавоб берай, буларга қандай бир ҳайкал қўяй, деб ўйлаб юрганимни мана шу ерда ифода қилдим.

Кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму шижоатини, қандай буюк ишларга қодир эканлигини кўрмоқчи бўлса, мана шу Қарши шаҳрига, бутун Ўзбекистонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизни келиб ўзи кўрсин.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 25 йиллигига
багишиланади

**ЕР ЮЗИДАГИ ЭНГ САОДАТМАНД
ИНСОНЛАРДАН БИРИГА БАФИШЛАНГАН
ТАРИХИЙ АСАР**

Маълумки, неча асрлар давомида Қашқадарё тупроғидаги Хўжа ибн ал-Жарроҳ, Солмони Пок, Хўжа Шамсиддин Кулол, ҳазрати Башир, ҳазрати Султон, Султон Мир Ҳайдар, Лангар ота каби ўнлаб азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжоларини ҳалқ ихлос билан тавоғ этади. Шулар орасида Султон Мир Ҳайдар ота (тўлиқ исмлари: Амир Шамсиддин Мир Ҳайдар Али Ҳожа Ҳайдар Хурросоний) ҳақида сўз борганда, бу табаррук зот Яссавия мактабининг йирик вакилларидан бири, Ҳаким ота ва Занги отанинг машҳур шогирди эканини таъкидлаш лозим.

Ривоят қилинишича, Ҳожа Шамсиддин – Султон Мир Ҳайдар ота Балхдан Урганчга, Ҳаким ота – Сулеймон Боқирғоний марқадига келиб, бу ерда қирқ кун хатми Қуръон билан машғул бўлган. Қирқинчи куни Шошдан, яъни Тошкентдан келган карвондаги тўқсон саккиз ёшли Анбар она навқирон Султон Мир Ҳайдар отани Ҳаким ота марқади олдида беҳуш ҳолда учратган ҳамда унинг танасидан чиққан нур марқадни чароғон қилиб турганига гувоҳ бўлган. Анбар она тутунидан Ҳаким ота ва Занги ота кийган чакмон, яъни туя юнгидан тўқилган

сўфийлик ҳирқасини Хожа Шамсиддиннинг устига ёпган. Сўнг унинг улуғ даража – Султон мақомига етганини айтиб, башорат ва дуолар қилган.

Ўшанда Анбар она: «Фарзандим Хожа Шамсиддин, сизнинг мақомингиз улуғ даражага етди. Бутун туркий машойихлар Султон мақомингизга гувоҳ бўйдилар. Сиз валийлару олимларга бош бўласиз. Сизни даража, мансаб, ҳеч бир лавозим ёки дунё қизиқтирмайди. Сиз холис Аллоҳ йўлида хокисорлик билан, одоб билан хизмат қиласиз. Сиз қадам қўйган юртда ҳар қадамингиздан гиёҳлар униб, обод бўлади. Чўл боғ-роғга айланиб, сизнинг минг бир шогирдингиз авлиё, валий, шайх мақомига етади, дуоингиз барокати бирла бутун оламга, элга хизмат қиладилар», деб башорат қилган эканлар. Хожа Шамсиддинга ул зот ўз атрофида, тўрт томонидаги саккиз фарсах масофада ётган мўмин-мусулмонларни қиёматда шафоат қилиш даражасидаги етук мақом берилган экан¹.

Бугунги кунда Касби туманидаги қадимги шаҳристонда жойлашган Султон Мир Ҳайдар ота номи билан аталадиган зиёратгоҳ Қашқадарёдаги энг йирик қадамжолардан ҳисобланади. Мен ҳар гал Касби туманига келганимда, албатта, ушбу қадамжони зиёрат қиласман. Аслини олганда, ҳазрат Султон Мир Ҳайдар ота меъморий ёдгорлик маҷмуаси нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги машҳур зиёратгоҳлардан биридир.

Касби азалдан йирик қасабалардан ҳисоблангани, шаҳристони, работи, куҳандизи – мустаҳкам қалъаси бўлгани, маҳаллалари муҳофаза этилгани, карвонсаройлари тожирларга хизмат қилгани, бозори, масжидлари ишлаб тургани бу ҳудуддинг ўша давр руҳи билан гавжум ва жўшқин ҳаёт

¹ Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. – Т.: «Янги аср авлоди», 2013, 33-бет.

кечиришига йўл очган. Бу ўз навбатида, Касбida диний ва дунёвий илм-фаннинг ривож топиши, мазкур заминда улуф алломалар, азиз-авлиёлар етишиб чиқиши мисолида яққол кўзга ташланади. Шундай улуф авлиёлардан бири Султон Мир Ҳайдар отадир.

«Маноқиби ал хос ал хожа Мир Ҳайдар Султон» китобидаги маълумотларга қарагандা, Хожа Шамсиддин, яъни Султон Мир Ҳайдар отанинг дунёга келиши ҳазрат Занги отанинг мўътабар устозларидан бири – Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний) томонидан башорат қилинган. Ҳаким ота бу хушхабарни Султон Мир Ҳайдар ота туғилмасидан аввал ул зотнинг амакиси ҳазрат Сайид Муҳаммад Абдуллоҳга айтган¹.

Султон Мир Ҳайдар ота 673/1275 йилда Хурсонда, Шўрдарё бўйидаги Қойим (Қайин) шаҳрида туғилган. Миср шаҳрида таҳсил олиб, «фақиҳ олим» даражасига етган. Фақиҳ, яъни фикҳ илмида доно бўлган, Инжил, Таврот, Забур, Куръонни мукаммал билган. Арабий, форсий, яҳудий, туркий тилларда сўзлашиш, ўқиши ва ёзишни билган. Ўн тўрт ёшида Макка ва Мадинага имом ҳамда икки Ҳарам толибларига устоз бўлган.

Султон Мир Ҳайдар ота йигирма икки ёшида Истамбул мадрасаси толиблари илтимосига биноан фикҳ илмига доир китоб битган. Хожа Шамсиддин Касбига 31 ёшида, яъни 1301 йил атрофида келган ва бу ерда ўз мактабини яратган. Султон Мир Ҳайдар ота 92 ёшга кириб, 766/1366 йилда вафот этган ва Касбida дафн этилган.

¹ Профессор А.Чориевнинг ёзишича, фил суюгидан ясалган муқовали ушбу китоб Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг тариқат йўли давомчиси бўлган Муҳаммаджон Шариф Ҳисорийнинг шахсий кутубхонасида сақланган ва шу вақтга қадар ошкор этилмаган эди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз, шу жумладан, Қашқадарё вилояти олиму адиблари не-не улуғ аждодларимиз қатори ваъз мулкининг сultonи, нозик илмларни ечувчи, ҳақиқат илмини айтuvчи, нотик, улуғ зот, фикъх илмининг олими, инсонларни ҳидоятга бошловчи, дунёга машҳур олим, шайхлар қутби, авлиёлар фахри, ер юзидаги энг саодатманд инсонлардан бири бўлмиш Султон Мир Ҳайдар ота ҳақида ҳам бир қатор илмий, тарихий ва адабий-бадиий асарлар яратди¹.

Бу борада, айниқса, қашқадарёлик забардаст олим Поён Равшановнинг «Султон Мир Ҳайдар ота даражоти» китобини алоҳида айтиб ўтиш зарур. Айни мавзуда каминанинг ҳам «Амир Темур ва Султон Мир Ҳайдар ота»² рисоласи ва бир қанча

¹ **Қаранг:** Равшанов П. Амир Темур ва Қашқадарё: мақолалар тўплами. – Т.: «Фан», 1994; Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: «Фан», 1995; Равшанов П. Амир Темур аёллари – эзгулик гуллари // Тўплам. – Қарши, «Насаф», 1995; Равшанов П. Амир Темур хонадони // Рисола. – Қарши, «Насаф», 1997; Равшан П. Малика Кенагас ойим ёхуд Амир Насруллонинг ўлими қиссаси. – Т.: «Шарқ», 2000; Равшанов П. Амир Темур ватани. Монография. – Қарши, «Насаф», 2001; Равшанов П. Занжирсарой // Рисола. Поён Равшанов. Сайланма. 1-китоб. – Т.: «Янги аср авлоди», 2005; Равшанов П. Амир Темур сулоласи: роман. – Т.: «Янги аср авлоди», 2014; Равшанов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. Т.: «Янги аср авлоди», 2014. **Яна қаранг:** Чориев А. Соҳибқирон Амир Темур ҳаётидан лавҳалар. – Қарши, «Насаф», 2004; Чориев А. Амир Темур ҳақида лавҳалар. – Қарши, «Насаф», 2005; Чориев А. Буюклик ва маънавият олами. – Қарши, «Насаф», 2006; Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. – Т.: «Янги аср авлоди», 2013.

² **Қаранг:** Сайдов А.Х. Амир Темур ва Султон Мир Ҳайдар ота. – Қарши: «Насаф», 2016. 40-бет.

тадқиқотлари нашр этилган¹. Юртбошимиз қайд этганидек, «Қашқадарё воҳасида камол топган мана шундай улуғ аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз, биринч галда, қашқадарёлик зиёлиларнинг бурчидир»².

¹ **Қаранг:** А.Саидов. Амир Темур ва Оврупо шарқшунослиги //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1996. 7-10-сонлар; А.Саидов. Амир Темур ва Испания (Муқаддима ўрнида)//Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406). – Т.: «Зар қалам», 2006; А.Саидов. Амир Тимур в мировой истории: независимость и духовный ренессанс//Политика и общество. – М.; 2006. №11; Осиё ва Европани боғлашга хизмат қилган зот//Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406). Султония архиепископи Иоанн Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралари. – Т.: F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007; А.Саидов. Сахибкиран глазами великих людей//Новости Узбекистана, 2007, 7 апреля; А.Саидов. Соҳибқирон сиймоси – жаҳон нигоҳида//Халқ сўзи. – 2007, 7 апрель; Л.Керен. Амир Темур ва Ибн Халдун учрашуви. Француз тилидан А.Саидов таржимаси//Соҳибқирон юлдзузи, 2013. 10-сон; А.Саидов. Архиепископ Иоанн Амир Темур элчиси//Соҳибқирон юлдзузи, 2014, 1-сон; А.Саидов. Кристофер Марло ижодида Соҳибқирон сиймоси талқини//Хуррият, 2014 йил, 2-9 апрель; А.Саидов. Амир Темур ва дипломатия//Хуқуқ ва бурҷ, 2014, 4-сон; А.Саидов. Амир Темурнинг шахмати//Ёш куч, 2014, 5-сон; А.Саидов. Муҳаммад Кеший – Амир Темир элчиси//Соҳибқирон юлдзузи, 2014, 2-сон; А.Саидов. Фарб театршунослигида Соҳибқирон тимсоли//Театр, 2014, 2; А.Саидов. Жаҳон операшунослиги кўзгусида - Амир Темур сиймоси (Сўзбоши ўрнида)//Г.Ф. Гендел. Амир Темур: уч пардали мусиқали драма. – Т.: «Янги аср авлоди», 2015. А.Саидов. Султон Мир Ҳайдар ота//Соҳибқирон юлдзузи, 2015, 3-сон.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фарон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8 том. Т.: «Ўзбекистон», – 2000, 222-бет.

Албатта, қашқадарёлик таниқли олим Аҳмаджон Чориев кўп йиллардан буён ушбу мавзуда баракали қалам тебратиб келмоқда. Олимнинг қўлингиздаги янги китобида аввало улуф авлиё Султон Мир Ҳайдар ота тарихи ҳақида ноёб манбалар негизида сўз юритилгани фоятда аҳамиятлидир¹. Айни чорда ул муборак зот номи билан боғлиқ қадимий зиёратгоҳнинг ҳалқимизга ҳалигача номаълум бўлган жиҳатларига доир қизиқарли маълумотлар баён этилган. Шу маънода китоб ўзбек китобхонига манзур бўлади деган умиддамиз.

*Акмал Саидов,
профессор*

¹ **Қаранг:** Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. – Т.: «Янги аср авлоди», 2013. 4-бет.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1555> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1555> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1555>